

NAVOIY VILOYATI
HOKIMINING
QARORI



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Navoiy sh. Xalqlar Do'stligi 77A

“29” *Февраль* 2016 у.(р).

г.Навои ул.Халклар Дустлиги 77А

№ *К-35*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 24 февралдаги “Худудий давлат
бошқаруви органлари тузилмасини
такомиллаштириш тўғрисида”ги
ПҚ-2497-сонли қарори ижросини
таъминлаш ҳақида**

Худудий давлат бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари тузилмасини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш, ишлаб чиқариш кучларини оптимал жойлаштириш, худудларнинг табиий-хомашё, ер-сув, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ва шунинг асосида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириб бориш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 февралдаги “Худудий давлат бошқаруви органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2497-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги “Худудларни комплекс ривожлантиришни таъминлашда маҳаллий давлат бошқарувчи органлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2495-сонли ҳамда вилоят ҳокимининг 2016 йил 26 февралдаги Қ-33-сонли қарорлари билан вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати тузилмасида худудни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппарати тузилмасида худудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси I-иловага;

вилоят маркази Навоий шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси 2-иловага;

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмаси 2а-иловага;

қишлоқ туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг янгиланган тузилмалари 2б-2д-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (К.Расулов, У.Раззоқов, С.Ҳамроев, Ғ.Мусурманов, Н.Содиқова), гуруҳ раҳбарлари ва котибият мудирлари ўн кун муддатда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг бошқарув аппаратлари тўғрисидаги Намунавий низомларга таклифлар ишлаб чиқилишини ва ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини таъминласинлар.

5. Вилоят ҳокимлиги ишлар бошқарувчиси (С.Шамшиев) вилоят Молия бошқармаси (Ҳ.Тилавов), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг штатлар жадвалларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу қарорга мувофиқ қайта кўриб чиқсин ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов